

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2018  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

## Х.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар ..... 5

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

## Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 12

## КИМЁ

## М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири ..... 17

## М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилиниң тақомиллашган усуллари ..... 20

## Н.ТЎЛАКОВ, И.АСҖАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези ..... 28

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

## М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси ..... 32

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

## Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари ..... 35

## М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлари ..... 38

## ТАРИХ

## У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бақр Фарғоний ..... 43

## Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида ..... 46

## А.НИШОНОВ

Султон Сайдхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси ..... 50

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

## И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари ..... 53

## Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ..... 56

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

## Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси ..... 59

## С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси ..... 66

## Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) ..... 69

УДК: 8-1/-9

## ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ҲИКМАТНАВИСЛИК АНЪАНАСИ

С.Рафиддинов, И.Маннолов

**Аннотация**

Мақолада Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асари таъсирида ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанасининг мавжуд бўлганлиги ёритилган.

**Аннотация**

В статье излагается факт существования в узбекской литературе традиции творения хикматов (мудрых изречений) под влиянием произведения Ахмада Яссави “Дивани хикмат”.

**Annotation**

*The existence of hikmat tradition under influence of “Divani hikmat” by Ahmad Yassaviy in Uzbek literature is scientifically substantiated in the thesis.*

**Таянч сўз ва иборалар:** ҳикматнавислик анъанаси, комиллик, ирфоний-тасаввуфий ғоялар, яссавийлик тариқати, ҳикмат жанри, анъанавийлик, издошлик.

**Ключевые слова и выражения:** традиция создания хикматов, совершенство, духовно-суфийские идеи, орден Яссавия, жанр хикмат, традиционность, преемственность.

**Keywords and expressions:** tradition of hikmat creation, perfection, spiritual and Sufi ideas, the Yassaviya order, hikmat genre, traditionality, succession.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари яссавия тариқатининг асосчиси, муршид ва сўфий шоир, туркий миллатларнинг маънавий ва маданий ҳаётида асрлар мобайнида ўчмас из қолдирган такрорланмас шахсиятлардан биридир. Шунинг учун у «Пири Туркистон», «Хожаи Туркистон» деб, алоҳида ҳурмат билан тилга олинган.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида маълумот берган [1.248].

Хожа Аҳмад Яссавийнинг шахсияти ҳақидаги тарихий ҳужжат ва маълумотлар жуда кам. Аммо маноқибий характердаги манбалар йўқ эмас. Масалан, милодий 1146 йил Донишманд Хожанинг ўғли Мавлоно Сафийуддин Ўрунг Қўйлоқий томонидан арабчадан туркийга ўғирилган «Насабнома», XII асрда ёзилган Сўфий Муҳаммад Донишмандга нисбат берилаётган «Миръот ул-қулуб», XIII аср охири ёки XIV аср бошида олим Имом Сигноқий томонидан қаламга олинган «Рисола дар таржимаи Аҳмад Яссавий» шулар жумласидандир [2.12-27].

Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб», Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт», Шайх Зинда Алининг «Самарат ул-машоҳих» асарларида

С.Рафиддинов – ЎРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ҳодими, филология фанлари номзоди, доцент.

И.Маннолов – ФарДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси тадқиқотчisi.

ҳам Аҳмад Яссавий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар мавжуд бўлиб, улар маноқибий характерга эгадир.

Маноқиб характеридаги асарларда унинг тўқсон тўқиз минг муриди бўлганлиги айтилади. Бу рақамга ишониш қийин бўлса ҳам, Хожа Аҳмад Яссавийнинг минглаб муриди, издошлари бўлганлиги, уларни Туркистоннинг турли худудларига иршод учун жўнатганлиги маълум. Кейинчалик худуд доираси янада кенгайиб, яссавия дарвешлари Хуросон, Онадўли, Россия худудларида ҳам фаолият курсата бошлаган эдилар.

Хожа Аҳмад Яссавий вафотидан сўнг яссавия анъаналарини тарғиб қилишда унинг халифалари мухим роль ўйнади. Хожа Аҳмад Яссавийнинг илк халифаси, устози Арслонбобнинг ўғли Мансур Ота (ваф. 1197-98)дир. Мансур Отадан сўнг унинг ўрнига ўғли Абдумалик Ота, ундан сўнг эса унинг ўғли Тож Хожа шайхлик вазифасини бажаради. Иккинчи халифаси Сайд ота (ваф. 1218 – 19) асли хоразмлик бўлиб, у ҳақда кўп маълумот сақланиб қолмаган. Учинчи халифаси Сулаймон Ҳаким Ота бўлган.

Хожа Аҳмад Яссавийдан сўнг унинг услубида ҳикмат айтиш яссавиянинг ўзиға хос одобларидан бирига айланди. Бу ҳодиса туркий халқлар адабиёти тарихида мухим ҳодиса бўлди. Абдураҳмон Саъдий 1922 йили «Инқилоб» журналининг 2-сонидаги «Яссавий

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ким эди?» мақоласида бу ҳодисани «Яссавий адаб мактаби» деб атайди. Яссавийдан сўнг унинг усулида ҳикмат айтадиган, ёзидиган адабий мактаб вужудга келганлигини таъкидлайди. Абдурауф Фитрат ҳам «Аҳмад Яссавий» деб номланган мақоласида бу масалага муносабат билдириган эди. Бу масала Фитратни қизиқтиргани аниқ. Бир йилдан сўнг, 1928 йилда «Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» номли маҳсус мақола эълон қилди. Бу мақоланинг ёзилишида машҳур турк олими Фуод Кўпрулу асарининг таъсири бўлганлиги яққол сезилиб туради.

Дарҳақиқат, Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди, тариқати, шунингдек издошлари ҳақида хабар берувчи муҳим манбалардан бири машҳур турк олими Мұхаммад Фуод Кўпрулизоданинг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» номли асаридир [3.1-160].

Фуод Кўпрулу бу масалани Абдурауф Фитрат ҳамда Абдураҳмон Саъдий сингари «Яссавий адаб мактаби», «Яссавий мактаби шоирлари» ўрнига «Яссавий издошлари» дея атайди. Масалага адабий мактаб нуқтаи назаридан эмас, издошлик ва анъана тарафидан ёндашишни афзал билади. Академик В. В. Бартольд Аҳмад Яссавийнинг туркий тилдаги ҳамда туркона руҳдаги шеърлари машҳур бўлганини, Ўрта Осиёлик кўп шоирларнинг унга эргашиб ижод қилганликларини айтади [4.118]. Инглиз олими Дж.С.Тримингэм туркий ҳалқларнинг мослашувида Аҳмад Яссавий ва издошларининг шеърлари муҳим роль ўйнаганини ёzáди. У ҳам Яссавийга эргашган шоирларни «издошлари» (последователи) дея атайди [5.58]. Яссавийшунос олим Н. Ҳасан Шайбонийхон ва Убайдуллахоннинг Яссавийга эргашиб ёзган шеър ва ҳикматларини XVI аср ўзбек адабиётидаги «Яссавий анъаналари» сифатида тадқиқ этади [6.26]. Олимнинг «Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” деб номланган докторлик диссертациясининг IV боби “Ҳикматнавислик анъанасининг давом этиши” деб номланган. Унда Яссавийнинг ҳикматнавислик анъанасини давом эттирган Сулаймон Боқирғоний, Ҳубби Хожа, Занги ота, Шайбонийхон, Убайдий, Қосим шайх, Азим Хожа ҳақида маълумот бериб, уларга тегишли баъзи ҳикматларни таҳлил қилган. Шунингдек, олим ҳикматнавислик

анъанасининг муҳим ҳодиси эканлигини таъкидлаб, бугунгача алоҳида тадқиқ этилмаганлигини айтади [7.178-221].

Шундай қилиб, юқоридаги тадқиқотлар ўзбек мумтоз адабиёти тарихида мана шундай адабий оқим, мактаб, анъана мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Хўш, Яссавийнинг ҳикмат айтиш анъанаси қандай вужудга келди? Нима сабабдан Яссавийдан сўнг унинг ҳикматлари унутилиб кетмади, балки ҳикмат айтиш, ёзиш ўзига хос анъанага айланди? Бу анъана умрбокийлигининг сири нимада? Мана шу саволларга жавоб топмай туриб, Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари ижодининг мумтоз адабиётда тутган муҳим ўрнини аниқлаб бўлмайди.

Яссавий издошлари учун асосий манба, шубҳасиз, «Девони ҳикмат»дир. Дастлаб ҳикматларнинг маҳсус белгиланган жаҳр кунлари айтилганлиги, ўқилганлигини айтиш мумкин. Жаҳрия зикри асносида ўқилиши, ҳикматларнинг бадиий мақсадда эмас, кўпроқ ирфоний-тасаввуфий ғояларни тарғиб қилиш мақсадида майдонга келганини билдиради. Демак, Яссавий замондошлари ҳикматларга оддий бадиий асар сифатида эмас, Қуръон, ҳадиси шариф ва тасаввуф ғояларини тарғиб этувчи муқаддас асар сифатида қараганлар. Ҳикматларнинг илоҳий хусусиятга эга эканлиги ҳақида «Девони ҳикмат»да ҳам кўп бор таъкидланади, ҳикматлар «Худойимнинг сўзи» дейилади:

Худойим сўзидан чиқкан бу ҳикмат,  
Эшитганга ёғар борони раҳмат.

(Д.Х. 1996.)

Асосан чорвадорлик билан шуғулланадиган кўчманчи туркий қавмлар учун араб, форс тилларида манбалар билан танишиш, улардан фойдаланиш имконияти бўлмаган. Улар ўзлари тушунадиган туркий тилдаги бирор ирфоний асарга муҳтоҷлик сезганлар. Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари ана шу эҳтиёж туфайли пайдо бўлди. Аниқроғи, туркий тилда ҳикмат айтишни Хожа Аҳмад Яссавийнинг кашфиёти десак, хато бўлмайди.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳам бу анъананинг давом этишини истаган бўлиши керак. Чунки, «Девони ҳикмат»да ҳикматларни ўқишга чорловчи, тарғиб қилувчи сатрлар учрайди:

Агар ҳикмат, ўқуса айюҳаннос,  
Эрур фарзанд манга ул толиби хос.  
(Д.Х. 1986)

Юқоридаги байтда ҳикмат ўқиганнинг фарзанд, хос толиб экани таъкидланмоқдаки, бу ҳол “Девони ҳикмат”нинг тарғиб этилгани ва ўқилганидан далолат беради. Яссавий издошлари ижодида ҳам ҳикмат айтиш ва ҳикматлар орқали зикр ҳалқаларини тузиш дарвешлар одатига айланганини кўрсатувчи намуналарни учратиш мумкин. Масалан, Сулаймон Боқирғонийнинг «Дарвешлар» радифли асарида дарвешларнинг ҳасбу ҳоллари, «бир-бирлари билан сир сўзлашишлари», «ишқ бирла жаҳон кезишлари» сингари сифатлари билан бир қаторда «мунг бирла ҳикмат тузишлари» ҳам көлтирилади:

Бир-бирилан сир сўзлар, мунг бирла ҳикмат тузар,  
Ишқ бирла жаҳон кезар, бенгзи сориг дарвешлар. (Б. К. 13-Б)

Ёки яна бир асарида ўзининг ҳикмат ёзганини қуидагича кўринишда эътироф этади:

Қул Сулаймон ҳавосиға тилим уйди,  
Умр зоеъ кечдугуни эмди туйди.  
Бу ҳикматни ҳалқлар аро ёдгор қўйди,  
Эшитгондин дуо ёри умди кўринг.

«Насойим ул-муҳаббат»да ҳам «Ҳикмат тили гўё бўлибдур», дея Ҳаким

отанинг ҳикмат айтганлиги, туркийлар орасида машҳур бўлганлиги таъкидланади. «Ламахот»ва «Самаратул-машойих»да ҳам Ҳаким отанинг уч минг ҳикмат айтганлиги таъкидланади.

Юқорида келтирилган фикрлар ҳикмат айтиш анъанаси XII асрдан бошланган, деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

«Девони ҳикмат» услубида ҳикмат ёзганлардан аввалгиси Сулаймон Боқирғоний бўлса, бу анъананинг сўнгги йирик вакилларидан бири 1846-47 йилларда Кўқонда вафот этган Азим Хожа Эшондир. Азим Хожа ҳикмат ёзиш анъанасининг XIX асрдаги энг ёрқин сиймосидир. Азим Хожа Эшон ҳикматларининг инқилобдан олдин Аҳмад Яссавий ҳикматлари охирига илова қилиниб чоп бўлганлигининг ўзи ҳам юксак қадрлангани ва севиб ўқилганидан далолат беради.

Шундай қилиб, ҳикматлар руҳий-маънавий эҳтиёж туфайли майдонга келган. Ҳикматларга муқаддас асар сифатида қарашларининг сабаби ана шундадир. Хожа Аҳмад Яссавийдан сўнг ҳам инсонларни тўғри йўлга чорлаш, илму ирфонга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмади. Ҳикматлар туркий тилда сўзлашадиган қавмлар учун асосий тарғибот воситаси бўлиб қолди. Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавийдан сўнг ҳикмат айтиш анъанаси йўқолиб кетмади, аксинча, янада кучлироқ кўринишда давом этди.Ўзбек мумтоз адабиётида муҳим воқеа бўлган ҳикматнавислик анъанасини тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий . Насойимул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001.–419 б. ўзгариши. – Т.: Фан, 2009.
2. Ҳасанов Н. Д. Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавоҳирул аброр мин амвожил биҳор» асари ва унинг яссавийшунослиқдаги илмий- тарихий қиммати. Филология фанлари номз... дисс. – Т., 1999.
3. Köprülü F. Türk edebiyatında ilk mutasavvıflar. – Ankara, 1991.
4. Бартольд В.В. Сочинения. Т. V. – М.: Изд.вост.лит, 1968.
5. Тримингем Дж. С. Суфийские ордены в Исламе. – М.: Наука, 1989.
6. Ҳасан Н. XVI аср ўзбек адабиётида Яссавий анъаналари // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – Т., 2004. -№2.
7. Ҳасан Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 2017.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).